

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Рўйхатга олинди  
№ МО 10-222  
2020 йил**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва  
ўрта махсус таълим вазирининг  
2020 йил “ 7 ” декабрь даги  
648 - сонли буйруғи билан  
тасдиқланган.**

**«ТАЪЛИМ СИФАТИ МЕНЕЖМЕНТИ»**

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари раҳбар кадрларини  
қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА**  
**ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ**  
**ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

Мазкур ўқув дастури Ўзбекистондаги Британия Кенгаши ва Лондон Метрополитен университети (Англия) билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган.

*Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2020 йил 30-октябрдаги 6- сонли баённомаси билан маъқулланган.*

**Тузувчилар:** “Олий таълимда ўқув жараёнини ташкил этиш ва бошқаришни автоматлаштириш” модули: ю.ф.н., проф. В.Топилдиев, т.ф.н., доц. Б.Усмонов, т.ф.н., доц. Р.Хабибуллаев, т.ф.н., доц. Д.Иргашева, т.ф.н., доц. В.Ҳамидов, А.Абдуллаев.

“Раҳбарнинг инновацион ва коммуникатив компетентлигини ривожлантириш” модули: п.ф.д., проф. Н.Муслимов, с.ф.н. У.Азизов, п.ф.ф.д. (PhD) А.Джураев, катта ўқитувчилар Р.Ишмухамедов, Ф.Бойсариева, Н.Джабборова, С.Таджибаева, У.Гиясова.

“Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модули: т.ф.н., доц. В.Каримова, и.ф.ф.д. (PhD) А.Холов, И.Исомов.

“Махсус фанлар” модули: проф. А.Круглов, проф. Д.Уорен, проф. Д.Габриэл, и.ф.д., проф. Р.Нурибетов, и.ф.д., проф. Ф.Назарова, и.ф.д., проф. Т.Шодиев, т.ф.н., доц. Б.Назаров, Қ.Абдурахимов.

**Такризчилар:** и.ф.д., проф. М.Маҳкамова,  
п.ф.д., проф. Н.М.Эгамбердиева.

Ўқув дастури Бош илмий-методик марказ Илмий-методик Кенгашининг қарори билан тасдиққа тавсия қилинган. (2020 йил 17 августдаги 3 - сонли баённома)

## КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5763-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари ҳамда 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли, 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4391-сонли, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари раҳбар кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур мазмунида кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, “Рақамли университет” модели ва олий таълим жараёнини бошқаришнинг ахборот тизимлари, таълим менежерининг инновацион компетентлиги, махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, таълим бошқарувида тизимли таҳлил, олий таълимда стратегик қарорлар қабул қилиш ва жамоатчилик назорати шунингдек, олий таълимда сифат маданиятини ривожлантириш масалалари қамраб олинади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар тингловчиларда таълим сифати инновацион менежменти, Университет 3.0 модели ва таълим сифатини таъминлаш масалалари, таълим сифатини таъминлаш жараёнига кадрлар буюртмачиларини жалб этиш, таълим сифатини таъминлашда халқаро тажрибалар шунингдек, таълим сифати мониторинги ва назорати соҳасидаги

зарурий янги билим, кўникма ва малакаларни ҳамда компетенцияларни ўзлаштиришга хизмат қилади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси қуйидаги ўқув модулларидан иборат:

### **I. Олий таълимда ўқув жараёнини ташкил этиш ва бошқаришни автоматлаштириш**

Кредит модули тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш.

“Рақамли университет” модели ва олий таълим жараёнини бошқаришнинг ахборот тизимлари.

### **II. Раҳбарнинг инновацион ва коммуникатив компетентлигини ривожлантириш**

Таълим менежерининг инновацион компетентлиги.

Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили.

### **III. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари**

Таълим бошқарувида тизимли таҳлил.

Олий таълимда стратегик қарорлар қабул қилиш ва жамоатчилик назорати.

### **IV. Махсус фанлар**

Таълим сифати инновацион менежменти.

Университет 3.0 модели ва таълим сифатини таъминлаш масалалари.

Таълим сифатини таъминлаш жараёнига кадрлар буюртмачиларини жалб этиш.

Таълим сифатини таъминлашда халқаро тажрибалар.

Таълим сифати мониторинги ва назорати.

### **V. Малакавий аттестация**

## **Курснинг мақсади ва вазифалари**

“Таълим сифати менежменти” қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг мақсади – олий таълим муассасалари раҳбар кадрларининг таълим сифати менежменти борасидаги янги билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш асосида уларнинг таълим сифатини таъминлаш ва бошқариш соҳасидаги инновацион компетентлигини ривожлантиришдан иборат.

“Таълим сифати менежменти” курсининг асосий вазифалари сифатида тингловчиларни олий таълим сифатини бошқариш соҳасидаги энг янги ютуқлар, таълим сифатини таъминлашнинг замонавий ёндошувлари, инновацион йўналишлари, соҳадаги халқаро тажрибалар билан таништириш ҳамда уларда

таълим сифатини бошқариш бўйича янги билим, амалий кўникма ва малакаларни ривожлантириш ҳисобланади.

Шунингдек, курс давомида тингловчилар томонидан қуйидагиларни тушуниш ва чуқур ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган:

- таълим сифатини бошқариш соҳасида олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этиш ва кредит модул тизими, уларни таълим амалиётида қўллаш сифати ва механизмлари моделлари;

- таълим сифатини таъминлаш жараёнига кадрлар буюртмачиларини жалб этиш йўллари;

- университет 3.0 модели ва таълим сифатини таъминлаш масалалари;

- таълим сифатини таъминлашда халқаро тажрибалар;

- раҳбар кадрлар томонидан рақамли технологиялар ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш механизмлари.

### **Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:**

“Таълим сифати менежменти” қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Махсус фанлар бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

#### **Тингловчи:**

- таълим сифатини таъминлашда инновацион менежментнинг асосий омилларини;

- замонавий таълим сифатининг мезон ва кўрсаткичларини;

- инновацион маркетингни стратегик ва операцион усулларини;

- университет 3.0 концепциясини;

- таълимни бошқаришнинг замонавий парадигмаларини;

- таълимда сифат менежменти тизимини;

- бенчмаркингнинг олий таълимда таълим сифатини оширишдаги ўрнини;

- бенчмаркингни амалга ошириш технологиясини;

- учинчи авлод университетлари моделини жорий этиш ва баҳолашни;

- олий таълим муассалари ва кадрлар буюртмачилари ўртасида ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш механизмларини;
- ўқув жараёнига ишлаб чиқаришдан тажрибали амалиётчиларни жалб этиш механизмини;
- бизнес инкубаторлар ва венчур молиялаштириш фаолиятини;
- олий таълим сифатини баҳолашнинг халқаро методларини;
- таълим сифатини таъминлашда халқаро тажрибалар;
- таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонларини;
- таълим сифатини таъминлашда жамоатчилик назоратининг ўрнини **билиши** керак.

**Тингловчи:**

- таълим сифатини таъминлашда инновацияларни қўллаш олиш;
- таълим сифатини таъминлашда инновацион фаолиятнинг жаҳон тажрибаси ва улардан фойдаланиш;
- трансфер марказлари ва технологияларни тижоратлаштиришни инновацион қўллаб-қувватлаш;
- университет 3.0 моделида билимларни тарқатиш, генерациялаш ва тижоратлаштириш учун ахборот тизимларини лойиҳалаштириш;
- университет 3.0 модели асосида олий малакали битирувчилар сифатини ошириш;
- олий таълим муассасаси, битирувчи-мутахассис ва кадрлар буюртмачиси ўртасидаги ҳамкорликнинг тўғри йўлга қўйиш;
- илмий тадқиқотлар олиб бориш, уларнинг натижаларини тижоратлаштириш;
- сифатни таъминлаш соҳасида миллий ва халқаро даражаларда ўзаро ҳамкорликни рағбатлантириш;
- таълимда ўқув-тарбия жараёнлари, профессор-ўқитувчилар таркиби, кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш сифатини назорат қилиш бўйича **қўникма ва малакаларга** эга бўлиши керак.

**Тингловчи:**

- олий таълим муассасаларида таълим сифатини таъминлашда инновацион фаолиятни ташкил этиш;
- университет 3.0 модели асосида олий малакали битирувчилар сифатини ошириш борасидаги муаммоларни ечиш;
- олий таълим муассасаларида таълим хизмати маркетингини ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

- кадрлар буюртмачилари, илмий-тадқиқот муассасалари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш;
- яқуний давлат аттестациясини ўтказиш;
- давлат-жамоатчилик назоратини олиб бориш;
- олий таълим муассасалари рейтингини аниқлаш *компетенцияларига* эга бўлиши керак.

### **Курс ҳажми**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Бунда ўқув дастурининг 144 соат ҳажми ишдан ажралмаган ҳолда мустақил малака ошириш усуллари асосида, 144 соати тўғридан-тўғри (бевосита) малака ошириш шаклида ишдан ажраган ҳолда амалга оширилади. Малака оширишнинг бевосита шаклида бир ҳафтадаги ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми 36 соатни ташкил этади. Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони 3-илоvasи билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

## **“ТАЪЛИМ СИФАТИ МЕНЕЖМЕНТИ” ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ КУРСИНИНГ ЎҚУВ МОДУЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МАЗМУНИ**

### **I. Олий таълимда ўқув жараёнини ташкил этиш ва бошқаришни автоматлаштириш**

#### **1.1. Кредит модуль тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш.**

Хорижий давлатлардаги кредит таълим тизимлари: Америка Қўшма Штатлари кредит тизими (USCS), Кредитларнинг тўплаш ва ўтказишнинг Британия тизим (CATS), Европа кредит тизими (ECTS), Университет кредитларини ўтказишнинг Осиё - тинч океани тизими (UCTS). Кредит тизими асосида таълим жараёнларини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг инновацион методлари. Кредит-модуль тизимида талабаларнинг мустақил ишини режалаштириш ва ташкил қилиш. Кредит-модуль тизимида педагоглар фаолияти. Кредит-модуль тизимида ўқув жараёнининг услубий таъминоти. Силлабус. Таълим натижалари (Блум таксономияси асосида). Билим даражалари. Таълим натижаларини баҳолаш усуллари.

Таълим соҳасини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари. Таълим соҳасига оид қонун ҳужжатлари ва уларнинг мазмуни. Педагог ходимларнинг меҳнат

муносабатларини тартибга солиш. Таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишнинг ҳуқуқий ва маънавий-маърифий асослари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимида оид қабул қилган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимида тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари. Давлат таълим стандартлари, Тегишли таълим (мутахассислик) йўналишлари бўйича давлат таълим стандарти, ўқув режалар ва фан дастурлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби, таълим сифати назорати.

Таълим жараёнини ташкил этишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш амалиёти ҳамда раҳбар ва педагог кадрларнинг қонун ижодкорлиги ва ташаббускорлиги.

## **1.2. “Рақамли университет” модели ва олий таълим жараёнини бошқаришнинг ахборот тизимлари.**

Рақамли университет моделлари. Таълим жараёнида олий таълим муассасаларидан олинadиган турли хил ҳисобот ва маълумотлар сонини кескин камайтириш, уларни тайёрлашнинг қоғоз шаклидан воз кечиш орқали бошқарув тизимини рақамлаштириш.

Олий таълим жараёнларини бошқариш ахборот тизимининг “Маъмурий бошқарув”, “Ўқув жараёни”, “Илмий фаолият, “Молиявий бошқарув ва статистика” ички тизимлари.

Олий таълим тизимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича хорижий тажриба. Олий таълим муассасаларининг ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмаси. Олий таълим бошқарувида ахборот технологиялари ва тизимларининг қўлланилиши. Олий таълим тизимида давлат хизматлари.

Рақамли кутубхона. Ахборот тизимларининг электрон ҳуқумат платформалари билан интеграцияси. Таълимда булутли технологиялар.

## **II. Раҳбарнинг инновацион ва коммуникатив компетентлигини ривожлантириш**

### **2.1. Таълим менежерининг инновацион компетентлиги.**

Инновацион компетентлик ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Замонавий таълим менежерининг инновацион компетентлиги мазмун ва моҳияти. Таълим жараёнини инновацион ташкил этиш ва бошқаришда халқаро тажрибалар. Инновацион компетентликни шаклланиш босқичлари. Инновацион компетентлик – инновацион фаолиятнинг пойдевори сифатида. Таълим менежерининг инновацион фаолиятига аксиологик, акмеологик, креатив, деонтологик ва рефлексив ёндашувлар. Таълим менежери фаолиятини илмий ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари. Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш мазмуни, шакл ва усуллари. Инновацион фаолиятда педагогик маҳоратнинг роли. Таълим менежери фаолиятини ташкил этишнинг инновацион шакллари (медиа алоқа, веб. мулоқот, электрон қабул ва бошқалар). Таълим менежери фаолиятини интерактив воситаларни қўллаган ҳолда ноанъанавий тарзда инновацион ташкил этиш воситалари: аудиовизуал воситалар, медиа алоқа, веб, мулоқот, эвристик суҳбат ва бошқалар. Таълим менежери касбий компетентлигини баҳолаш индикаторлари ва унга инновацион ёндошув. Таълим менежерининг инновацион усуллар асосида такомиллаштириш. ОТМ фаолияти йўл харитасини тузиш ва амалга оширишда таълим менежерининг инновацион компетентлиги. Инновацион фаолият диагностикаси ва квалиметрияси. Бошқарув маданияти ва раҳбар маънавияти.

### **2.2. Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили.**

Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили (English for Specific Purposes) – касб соҳасидан келиб чиқиб инглиз тилини ўргатиш. Касб соҳа вакиллари томонидан минимал грамматика (Present Indefinite Tense, Present Continuous Tense, Past Indefinite Tense, Future Indefinite Tense) ҳамда соҳага оид фаол сўзларни (минимал 400) ёддан билиши. Грамматика ва лексикани коммуникатив мақсадларда ўргатишга замонавий ёндашув. Инглиз тилида аутентик вазиятларни таҳлил қилиш. Тингловчиларда аутентик вазиятларга оид: e-mail ёзиш, сўзлашиш (илмий йўналиши ҳақида), тушуниш (жараённи тинглаб тушуниш) ва ўқиб тушуниш (газета ва журналлардаги касб соҳасига оид мақолани ўқиш) кўникмаларини ривожлантириш.

Соҳага йўналтирилган мавзуларда тил кўникмаларини ривожлантириш, мутахассислик фанларини хорижий тилда ўқитишни лойиҳалаштириш. Илмий тадқиқотларга йўналтирилган тил кўникмаларини ўзлаштириш, илмий

матнларнинг резюмесини тайёрлаш, хорижий адабиётлар билан ишлаш. Хорижий мутахассислар билан мулоқот стереотиплари. Электрон хатлар ёзиш, хорижий тилда тақдимотлар тайёрлаш.

Кундалик ва ижтимоий ҳаётга оид мавзулар: Шахс ва шахсият. Озиқ-овқат. Сихат-саломатлик. Оилавий қадриятлар. Шаҳар ва қишлоқ ҳаёти. Дам олиш ва спорт билан шуғулланиш. Касб-ҳунар ва ишбилармонлик. Оммавий ахборот. Муносабатлар. Тиббиёт, илм-фан, замонавий технологиялар соҳасидаги этика масалалари.

Резюме тўлдириш, маданий ҳордиқ, телефонда суҳбат. Саёҳат ва туризм, транспорт соҳаси, бизнес фаолият, кашфиётлар, санъат, фан, таълим ва технология соҳаси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш. Соҳага оид даврнинг энг долзарб муаммоларини ўрганиш, муҳокама ва таҳлил қилиш.

### **III. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари**

#### **3.1. Таълим бошқарувида тизимли таҳлил.**

Тизимли таҳлил ва тизимли ёндашувнинг асосий тушунчалари ва таърифлари. Тизимли таҳлил объекти сифатида муаммо. Тизимли таҳлил предмети сифатидаги тизим. Тизимли таҳлилни ишлаб чиқиш ва шакллантириш босқичлари. Тизимли таҳлилнинг вазифалари ва принциплари. Тизимий таҳлил ғояси.

Олий таълимдаги муаммолар. Муаммони ҳал қилиш методологияси. Муаммони аниқлаш. Муаммоларни бартараф этиш. Муаммони ҳал қилиш усуллари. Сифатли қарорлар қабул қилиш усуллари.

Тизимли ёндашув ва тизимли тафаккур. Аналитик фикрлаш.

#### **3.2. Олий таълимда стратегик қарорлар қабул қилиш ва жамоатчилик назорати.**

Олий таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари ва устувор йўналишлари. Олий таълимда стратегик қарорлар қабул қилиш. Глобал пандемия шароитида оптимал қарорлар қабул қилиш усуллари. Ноаниқлик шароитида қарорлар қабул қилиш. Олий таълим муассасаларида жамоатчилик назоратининг замонавий механизмларини жорий этиш. ОТМларда жамоатчилик кенгашлари фаолиятини такомиллаштириш. Бошқарув қарорлари самарадорлигини баҳолашга инновацион ёндашув. ОТМларда бошқарув қарорлари қабул қилиш тизимининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш. ОТМларда стратегик қарорлар қабул қилишда рискларни баҳолаш.

Глобал пандемия шароитида ОТМларда жамоатчилик назоратини амалга оширишга инновацион ёндашув. ОТМларда стратегик режалаштириш ва прогнозлаштириш (foresight). ОТМларда бошқарув қарорлари қабул қилишга таъсир этувчи омиллар таҳлили. ОТМларда бошқарув қарорлари самарадорлигини баҳолаш. Олий таълим жараёнини бошқаришда қарорлар қабул қилиш технологиялари. Бошқарув қарорлари самарадорлигини баҳолашда тизимли таҳлилдан фойдаланиш. Олий таълимда халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган кадрларни тайёрлаш.

## **IV. Махсус фанлар**

### **4.1. Таълим сифати инновацион менежменти.**

Таълим сифати ва инновацион менежментнинг назарий-услубий асослари. Таълим сифатини таъминлашда, инновация, инновацион фаолиятнинг моҳияти. Таълим сифатини таъминлашда инновацион менежментнинг асосий омиллари. Олий таълим муассасасининг инновацион ривожланишининг асосий йўналишлари. Олий таълим муассасаларида инновацияларнинг таълим сифатига таъсир этувчи омиллари. Таълим сифатини таъминлашда инновацион фаолиятнинг асосий турлари. Замонавий таълим сифатининг мезонлари ва кўрсаткичлари. Таълим сифатини таъминлашда инновацияларнинг қўллаш йўллари. Таълим сифатини таъминлашда инновацион менежмент самарадорлиги кўрсаткичлари. Таълимда инновацион маркетинг. Таълим сифатини оширишда интеллектуал мулк. Инновацион маркетингни стратегик ва операцион усуллари. Таълим сифатини таъминлашда инновацион фаолиятнинг жаҳон тажрибаси ва улардан фойдаланиш истиқболлари. Халқаро сифат стандартларида инновацион менежментнинг аҳамияти. Олий таълим муассасаларида таълим сифатини таъминлашда инновацион фаолиятни ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнлари сифати. Таълим сифатини бошқаришнинг замонавий ташкилий тузилмалари. Таълим сифатини ўлчаш муаммолари. Педагог кадрлар фаолиятининг сифатини баҳолаш ва ўлчаш. Таълим сифати индикаторлари. Квалиметрия усуллари.

### **4.2. Университет 3.0 модели ва таълим сифатини таъминлаш масалалари.**

Университет концепцияси эволюцияси. Тадбиркорлик университетлари - университет 3.0 концепциясининг замонавий ривожланиш босқичи сифатида. Олий таълим муассасаларида технопарк, форсайт, технологиялар трансфери, стартап, акселератор марказларини ташкил этиш. Тижоратлаштириш жараёнлари

ва технологиялар трансфери университетнинг асосий модели компонентлари сифатида. Технологияларни тижоратлаштириш моделлари. Трансфер технологиялар. Трансфер марказлари ва технологияларни тижоратлаштиришни информацион қўллаб-қувватлаш. Университет 3.0 моделида билимларни тарқатиш, генерациялаш ва тижоратлаштириш учун ахборот тизимларини лойиҳалаштириш асослари. Замоनावий университетларда технологиялар ва лойиҳа бошқаруви. Таълимни бошқаришнинг замонавий парадигмалари. Таълимда сифат менежменти тизими. Олий таълимда сифат менежменти тизимининг жорий этилиши ва ривожланиш стратегияси. Университет 3.0 модели асосида олий малакали битирувчилар сифатини ошириш борасидаги муаммолар ва ечимлар. “Университет 3.0” концепциясини амалга ошириш бўйича прогнозлаштиришнинг методик тизими модели. Таълим хизматлари маркетинги тушунчаси ва унинг ўзига хос жиҳатлари. Олий таълим муассасаларида таълим хизмати маркетинг фаолиятини стратегик режалаштириш. Бенчмаркингнинг олий таълимда таълим сифатини оширишдаги ўрни. Бенчмаркингни амалга ошириш технологияси.

Учинчи авлод университетлари моделини жорий этиш ва баҳолаш. Ўзгаришларни бошқариш. Ташкилий интервенция модели. Учинчи авлод университетларида ўтиш жараёнини баҳолаш. Университет 3.0 модели асосида олий малакали битирувчилар сифатини ошириш борасидаги муаммолар ва ечимлар. Олий таълим муассасаларида таълим хизмати маркетингини ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

### **4.3. Таълим сифатини таъминлаш жараёнига кадрлар буюртмачиларини жалб этиш.**

Олий таълим муассасалари ва кадрлар буюртмачилари ўртасида ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш механизми. Ўқув режалари ва фан дастурлари мазмунини кадрлар буюртмачилари билан ҳамкорликда фан ва технологияларнинг сўнгги ютуқлари асосида шакллантириш. Ўқув жараёнига ишлаб чиқаришдан тажрибали амалиётчиларни жалб этиш механизми.

Олий таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналари алоқаларини мустаҳкамлаш ҳамда кластер усулида фаолият юритишини ташкил этиш. Ишлаб чиқариш ривожланган худудлар ва иқтисодий зоналарда олий таълим муассасалари фаолиятини йўлга қўйиш амалиёти. Олий таълим муассасалари ҳузурида технопарклар, бизнес инкубаторлар, коворкинг марказлари фаолияти.

Кадрлар буюртмачилари мурожаати асосида олий таълим муассасалари базасида мақсадли таълим дастурлари, профессионал малака ошириш ва қайта тайёрлаш курслари, тренинглар ташкил этиш механизмлари.

Илмий тадқиқотлар олиб бориш, уларнинг натижаларини тижоратлаштиришда кадрлар буюртмачилари, илмий-тадқиқот муассасалари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш, бизнес инкубаторлар ва венчур молиялаштириш фаолиятини ривожлантириш.

#### **4.4. Таълим сифатини таъминлашда халқаро тажрибалар.**

Олий таълим сифатини баҳолашнинг халқаро методлари. Таълим сифатини таъминлашда халқаро тажрибалар (Университетларнинг Европа ассоциацияси, Олий таълим сифатини таъминлаш бўйича Европа тармоғи, Европа комиссияси, Европа талабалари Европа иттифоқи, шунингдек, миллий агентликлар ва ассоциациялар, университетлар ва вазирликлар). QAA – олий таълим сифатини назорат қилиш бўйича Агентлик. Сифат кодекси. Олий таълим сифатини баҳолашнинг асосий мақсадлари. Олий таълим сифатини баҳолашнинг асосий тамойиллари: Баҳолаш жараёнини танлашда ўзга давлатларга ва ОТМларга боғлиқ эмаслиги ва мустақиллиги, ўзини ўзи баҳолаш жараёнлари ва уларнинг қўлланилиши, экспертлар томонидан амалга ошириладиган ташқи баҳо ва ҳисоботни чоп эттириш.

Алоқа ўрнатиш ва кенгайтириш. Сифатни таъминлаш бўйича халқаро миқёсда чоп этилган адабиётлар.

#### **4.5. Таълим сифати мониторинги ва назорати.**

Таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари. Таълим муассасаларини аттестацияси ва давлат аккредитацияси.

Таълим муассасаларини ички ва ташқи баҳолаш. Талабалар билимини баҳолаш тизими. Таълим тизимига юқори самарали халқаро амалиётни жорий этиш.

Якуний давлат аттестацияси. Давлат-жамоатчилик назорати. Ташқи назорат. Таълим сифатини оширишда ички назорат ва ҳисобдорлик механизмлари. Халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтинги. «2+500» ва «8+1000» лойиҳалари. Олий таълим ташкилотларининг миллий рейтинги. Олий таълим муассасалари рейтингини аниқлаш. Таълим сифатини назорат қилиш ва олий таълим муассасалари рейтингини юритишнинг нодавлат тизимини яратиш.

Таълимда ўқув-тарбия жараёнлари, профессор-ўқитувчилар таркиби, кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш сифатини назорат қилишда раҳбар кадрларнинг ўрни. Таълим сифатини таъминлаш жараёнларини электрон таълим бошқарув тизими орқали назорати.

Таълим сифатини таъминлашда жамоатчилик назоратининг ўрни. Таълим сифатини таъминлашда жамоатчилик назоратининг ўрнини тўғри баҳолаш ва тегишли хулосалар чиқариш. Олий таълим муассасаларида самарали жамоатчилик назоратини жорий этиш.

## **V. Малакавий аттестация**

Тингловчиларнинг малакавий аттестацияси касбий, ўқув-методик ва илмий-методик фаолияти натижалари (электрон портфолиода қайд этилган кўрсаткичлари асосида), курсни тамомлагандан кейинги онлайн тест синовлари ҳамда Аттестация комиссиясида лойиҳа ишини ҳимоя қилиш асосида ўтказилади.

### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотлар жараёнида тингловчиларда таълим сифатини бошқариш фаолиятини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича билимлар, кўникмалар ва малакаларнинг амалий жиҳатлари ривожлантирилади. Амалий машғулотлар кичик гуруҳларда таълимнинг интерфаол методларини қўллаган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

### **Мустақил малака оширишни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Мустақил малака ошириш қуйидаги шаклларни ўз ичига олади: очик ўқув машғулотлари ва маҳорат дарсларини ташкил этиш; иқтидорли ва истеъдодли талабалар билан ишлаш; илмий конференцияларда маъруза билан қатнашиш; илмий журналларда мақолалар чоп этиш; кўргазма ва танловларда иштирок этиш; илмий лойиҳаларда иштирок этиш; халқаро (импакт-факторли) нашрларда мақолалар эълон қилиш; ихтиро (патент), рационализаторлик таклифлари, инновацион ишланмаларга муаллифлик қилиш; монография, муаллифлик ижодий ишлар каталогини тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; ўқув адабиётлари (дарслик, ўқув қўлланма, методик қўлланма)ни тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун ҳимоя қилинган диссертацияга илмий раҳбарлик қилиш.

Раҳбар кадрларнинг мустақил малака ошириш натижалари электрон портфолио тизимида ўз аксини топади.

Мустақил малака ошириш даврида раҳбарлар асосий иш жойи бўйича малакавий амалиётдан ўтадилар. Малакавий амалиёт даврида раҳбар асосий иш жойи бўйича таълим менежменти ва бошқарув стратегияси соҳасидаги мавжуд иш тажрибасини таҳлил қилади ҳамда соҳасидаги ислохотларнинг

самарадорлигини таъминлаш мақсадида келгусида амалга ошириладиган ишлари бўйича ўз Ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқади.

### **Лойиҳа устида гуруҳ ишини ташкил этиш босқичлари**

Лойиҳа устида гуруҳ иши курс дастурининг иккинчи ҳафтасидан бошлаб ташкил этилади ва бунда:

- курс тингловчилари умумий қизиқишлари ҳамда фаолият соҳалари асосида 3-5 кишилиқ гуруҳларга бўлинади;

- гуруҳлар турли хил ОТМларда турли хил вазифаларни бажарадиган (масалан, ўқув ишлари бўйича, илмий тадқиқотлар бўйича, молия-иқтисод, маънавий-маърифий ишларни бошқариш бўйича) раҳбар кадрлардан ташкил топади;

- ҳар бир гуруҳ курс тренерларидан алоҳида маслаҳатчи олиши;

- виртуал ўқув платформасидан тегишли маълумотлар олиши ва тьюторлик хизматидан фойдаланиши мумкин бўлади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг охириги ҳафтасида (тасдиқланган режа-график асосида) ҳар бир гуруҳ фаолият режаси асосида лойиҳа мавзуси бўйича қилинган ишлар, олинган натижалар ва хулоса-тавсияларини Аттестация комиссиясида ҳимоя қилади.

### **Дастурнинг ахборот-методик таъминоти**

Модуллари ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари, электрон ва бошқа манбалардан фойдаланилади.

Шунингдек, таълим менежменти масалалари бўйича журналларда чоп этилган илмий мақолалар, халқаро ва республика конференциялари, семинарлар материаллари тавсия этилади.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажак фаёвон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

### I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 4732-сон Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сон Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июль “Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5763-сон Фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июль “Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4391-сонли Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони.

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

### **Ш. Махсус адабиётлар**

20. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишланган илмий-оммабоп қўлланма. Муаллифлар гуруҳи. – Т.: Маънавият, 2019.

21. Баркалов С.А. Системный анализ и принятие решений.– Воронеж: НПП ВГУ, 2010. 662 с.

22. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.

23. Грибов В.Д., Никитина Л.П. Инновационный менеджмент: Учебное пособие / -М.: НИЦ Инфра-М, 2013. -311 с.: 60x90 1/16. – (Высшее образование). ISBN 978-5-16-004870-3.

24. Игнатова Н. Ю. Образование в цифровую эпоху: монография. М-во образования и науки РФ.– Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с. [http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0\\_2017.pdf](http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0_2017.pdf).

25. Исмаилов А.А, Жалалов Ж.Ж, Саттаров Т.К, Ибрагимходжаев И.И. Инглиз тили амалий курсидан ўқув-услугий мажмуа. Basic User/ Breakthrough Level A1/-Т.: 2011. – 182 б.

26. Ишмухамедов Р., Абдукодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.

27. Ишмухамедов Р., Абдукодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009. – 160 б.

28. Жариков В.В., Жариков И.А., Однолько В.Г., Евсейчев А.И. Управление инновационными процессами: учебное пособие / – Тамбов : Изд-во Тамб. гос. техн. ун-та, 2009. –180 с.

29. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. [https://hiedtec.ecs.uni-ruse.bg/pimages/34/3\\_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf](https://hiedtec.ecs.uni-ruse.bg/pimages/34/3_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf).

30. Маҳмудов И.И. Бошқарув профессионализи: психологик таҳлил. – Т.: “Академия”, 2011. – 154 б.

31. Гуломов С.С. Менежмент асослари. Т.: “Ўзбекистон”, 2002. -368 б.

32. Усмонов Б.Ш., Хабибуллаев Р.А. Олий ўқув юрларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет.

33. Attila Pausits. Human Resource Management in Higher Education: Case Studies and Future Scenarios. 2015.

34. European Association for Quality Assurance in Higher Education (ENQA). Стандарты и рекомендации для гарантии качества высшего образования в европейском пространстве.

35. English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010, 204.

36. Lindsay Clandfield and Kate Pickering “Global”, B2, Macmillan. 2013. 175.

37. Marmar Mukhopadhyay. Quality Management in Higher Education. 2016.

38. João Rosa, Maria, A. Amaral. Quality Assurance in Higher Education: Contemporary Debates (Issues in Higher Education). 2014.

39. Stella A. Quality assurance mechanisms in higher education in the Asia-Pacific. desk study overview commissioned by the Higher Education Division of UNESCO, Paris, 2004.

40. Steve Taylor “Destination” Vocabulary and grammar”, Macmillan 2010.

#### **IV. Интернет сайтлар**

41. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

42. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси

43. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази

44. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали Ziyonet

45. <http://natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси

46. <http://learnenglishteens.britishcouncil.org/>

47. <http://learnenglish.britishcouncil.org/en/>

**“КЕЛИШИЛГАН”:**

Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи \_\_\_\_\_ **Ф.Т.Эсанбобоев**

“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2020 й.

М.Ў.

**“ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН”:**

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш Бош илмий-методик маркази

директори \_\_\_\_\_ **Т.Т.Шоймардонов**

“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2020 й.

М.Ў.

